

Осийликнинг қандай зарарлари бор?

14:20 / 24.04.2016 2500

Баъзи кишилар борки, билиб туриб ҳам гуноҳ ишларга қўл уришади. Энг яқин дўстларимдан бирини маст қилувчи ичкилик ичишдан ҳамиша қайтараман, аммо у гапларимни ҳазил санаб, яна билганини қилаверади. Шу каби одамларга осийликнинг зарарларини тушунтиришда ёрдам берсангиз. Осийликнинг инсонга ва жамиятга қандай зарарлари бор?

ЖАВОБ: Ислом динида Аллоҳ таолонинг амр-фармонлари ва Унинг Пайғамбари кўрсатмаларига итоат этмаслик, гуноҳ ва маъсиятлардан четланмаслик осийлик саналади. Осийликнинг зарарлари жуда кўп бўлса-да, уларнинг энг муҳимларини келтириб ўтамиз:

1. Осийлик Одам ва Ҳаввони жаннатдан чиқарди.
2. Осийлик иблисни Аллоҳ таолонинг лаънатига учратди.
3. Осийлик Нуҳ қавмини тўфонга гирифтор қилди.
4. Осийлик Од қавмини томири чириган дарахтдек қулатди.
5. Осийлик Самуд қавмининг даҳшатли овоз ила ҳалок бўлишига сабаб бўлди.
6. Осийлик Лут қавмини чаппа айлантирилган ер остида ҳалок қилди.
7. Осийлик Шуъайб қавмини булутдан ёққан азоб ила ҳалок қилди.
8. Осийлик Фиръавн ва унинг қавмини денгизга ғарқ қилди.
9. Осийлик Қорун ва унинг молу мулкини ерга юттирди.

Маъсиятлар банда қалбининг моғор босишига, ғофил бўлиши ва муҳрланишига сабаб бўлади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи васалламнинг минбарлари устида туриб: «Ёки қавмлар жумаларни тарк қилишдан тўхтарлар. Ёки Аллоҳ уларнинг қалбларига муҳр босур ва сўнгра ғофиллардан бўлурлар», деганларини эшитдим» (Имом Муслим, Насай ва Аҳмад ривоят қилишган).

Гуноҳлардан сақланиш қалб поклигини сақлаш учун хизмат қилади. Шунинг учун гуноҳларни озайтириш, гуноҳ ишларга қўл урмаслик

чораларини кўриш керак. Бу иш икки дунё учун ҳам фойдалидир. Вакийъ ибн Жарроҳ келтирган ривоятда Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Гуноҳларни озайтиринглар! Албатта, сизлар Аллоҳ таолога гуноҳ озлигидан афзал нарса ила йўлиқа олмайсизлар».

Банда зоҳирий ва ботиний, катта ва кичик маъсиятлардан сақланиши лозим. Кўпинча бир маъсият бошқа маъсиятга тортиши ҳам мумкин. Хусусан, қалб ва тил маъсиятлари каби ҳис қилиш қийин бўлган маъсиятлардан эҳтиёт бўлиш керак (Аллоҳ билувчидир).